

Ғазаб. (Болалар учун)

00:00 / 16.02.2017 3716

Холид кучли, жуда кўрқмас бола. Стулни бир қўли билан уни букмасдан туриб кўтара оладиган кучи бор эди. Мактабда спортнинг кураш тури билан шуғулланарди. Ҳеч ким уни мағлуб қила олмаган эди. У билан энг кўп курашган Нуриддин деган бола эди.

Бир куни икковлари мактаб боғида жанжаллашиб, уришиб қолишди. Курашда Нуриддин енгилди. Синфга кирганида эса у Холиднинг китобини йиртиб, яроқсиз холга келтирди. Бу ишни кўрган Холиднинг жаҳли чиқиб кетди, ўртоғига ташланиб, унинг юзига бир мушт туширди. Натижада Нуриддиннинг бурни қонаб кетди. Кийимлари қонга беланди. Синф ҳам ифлосланди. Бу ҳодисадан бутун синф ҳафа бўлди. Холидни бу иши учун урушган ўқитувчи унга Расулulloҳ С.А.В. нинг ушбу ҳадиси шарифларини эслатди:

Кучлилик уришиш билан эмас балки ғазаб келганида ўзини босиб туриш биландир. (Бухорий)